# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 5 декабрь, № 256 (7758) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФАСИ




Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

**Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ҳар куни, ҳар соатда, ҳар дақиқада тинимсиз изланишлар, саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бирор-бир йўналиш ёки тармоқ йўққи, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар кириб бормаган, унинг мазмунини ўзгартирмаган бўлса.**

Кейинги тўрт йилда янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг том маънодаги замонавий тарихини барпо этиш йўлида улкан марралар олинди. Натижада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, саноатга юқори технологияларни жорий этиш, қулай инвестициявий муҳитни яратиш йўлида янги-янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Буни коронавирус пандемиясига қарамай, мамлакатимиз ҳудудларида барпо этилаётган йирик лойиҳалар, улкан саноат қувватлари мисолида яққол кўришимиз мумкин.

4 декабрь — мамлакатимиз тарихига яна бир йирик саноат корхонаси ишга туширилган кун сифатида муҳрланадиган бўлди. Пойтахтимизнинг Янги ҳаёт туманида Тошкент металлургия заводи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлат раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу мажмуа очилишини тарихий воқеа, деб атади.

2017 йил февралда ушбу заводнинг қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Президентимиз 2018 йил августда бу ерга келиб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, минглаб фидойи инсонларнинг билим ва меҳнати эвазига улкан корхона қад ростлади.


**(Давоми 2-бетда).**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни Тошкент металлургия заводининг очилишига бағишланган тантанали тадбирлар доирасида Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари пойтахт ҳудудида амалга оширилган металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик ва замонавий корхонани ташкил этиш лойиҳаси Ўзбекистон ва Россия компания ва банклари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг намунаси эканини катта мамнуният билан қайд этди.

Ушбу заводнинг вужудга келиши кейинги йилларда икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликда жиддий сифат ўзгаришлари кузатилаётганидан ҳам далолат беради.

Денис Мантуров самимий қабул учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда устувор қўшма дастур ва лойиҳаларнинг бориши кўриб чиқилди, амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги режалар муҳокама қилинди.

Машинасозлик, агросаноат, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, кўплаб бошқа тармоқларда юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда икки мамлакатнинг етакчи корхоналари ўртасидаги кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат кооперацияси лойиҳаларини, шу жумладан, ташкил этилган қўшма Лойиҳа офиси фаолияти доирасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳамроҳлик қилиш, шунингдек, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига инвестицияларни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун барчамиз том маънода тарихий ва унутилмас бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бугун Ўзбекистонда йирик замонавий саноат корхонаси — Тошкент металлургия заводи ишга туширилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган мана шундай улкан ишлаб чиқариш мажмуаси бунёд этилгани билан барчангизни чин қалбимдан табриклайман.

Бугунги маросимда бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган ҳурматли хорижий ҳамкорларимиз — Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Валентинович Мантуров, "Метпром" компанияси директорлар кенгаши раиси Станислав Сергеевич Лазуткин, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси Владимир Львович Тюрденев, Италия Республикасининг "Даниели" компанияси бош директори Даниели Жакомо Марески жанобларига ва барча меҳмонларимизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларга маълумки, биз бундан уч йил аввал — 2017 йилнинг февраль ойида яхши ниятлар билан ушбу корхонанинг тамал тошини қўйган эдик. Ўтган қисқа даврда барча қийинчиликларга, жумладан, коронавирус пандемиясига қарамасдан, минглаб фидойи инсонларнинг билим ва тажрибаси, маҳорати ва меҳнати эвазига мана шу улкан завод қад ростлади. Бу йирик мажмуани бунёд этиш учун 420 миллион долларлик маблағ сарфланди.

Фурсатдан фойдаланиб, корхонани бунёд этишда фаол иштирок этган моҳир лойиҳачи ва қурувчиларга, қўлигул ишчи ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва барча мутасаддиларга, хорижий ҳамкорларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Қадрли юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган кенг миқёсли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Биз инновацион иқтисодиётни шакллантириш, замонавий саноат, қулай сармоявий муҳитни яратиш, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун ҳар жиҳатдан ноёб бўлган Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёнидир.

Ҳаммангиз биласиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг заиф нуқталаридан бири — бизда қора металлургия саноатининг етарли даражада ривожланмагани билан боғлиқ. Қайси соҳани олманг, кўп йиллардан буён бу масала биз учун жиддий муаммо бўлиб келаётган эди.

Янги завод энг аввало миллий иқтисодиётимизнинг металлургия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Улар илгари республикамизга асосан четдан олиб келинарди.

Ушбу корхонада йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Мазкур маҳсулотлар қурилиш материаллари ёки металл конструкциялар бўладими, маиший техника, электротехника ва озиқ-овқат саноати бўладими — юзлаб корхоналаримизнинг эҳтиёжини таъминлаш имконини беради.

Мажмуа ишга туширилиши билан кимё саноати корхоналари ва рангли металл ишлаб чиқарувчилар ўртасида яқин кооперация алоқалари йўлга қўйилади. Келажакда ушбу завод маҳаллий автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари эҳтиёжини ҳам қоплашга хизмат қилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирнинг ўзидаёқ завод маҳсулотларига ўнлаб корхоналардан буюртмалар келиб тушмоқда.

Тошкент металлургия заводи мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига салмоқли ҳисса қўшади. Мухтасар айтганда, янги завод жадал суръатлар билан ривожланиб, саноатимиз локомотивларидан бирига айланади, деб айтишга барча асосимиз бор.

**Биринчидан**, талаб юқори бўлган металлургия маҳсулотини ишлаб чиқариш занжири шаклланади.

Корхона фаолиятининг биринчи босқичида импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежалади.

Маҳаллий корхоналаримиз аввал хориждан олиб келинган хом ашё ўрнига эндиликда заводда тайёрланадиган листлардан фойдаланиши ҳисобига маҳаллийлаштириш даражаси сезиларли равишда ошади. Мисол учун, сэндвич панеллар ва том ёпиш тунукалари таннархида республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан 90 фоизгача етади. Шунингдек, бу кўрсаткич вентиляция ва ҳавони тозалаш тизимлари бўйича 30 фоиздан 50 фоизгача, маиший электротехника ишлаб чиқаришда — 35 фоиздан 50 фоизгача ошади. Яъни саноат кооперациясининг кенгайиши ва маҳаллий хом ашё негизида ҳудудларда юзлаб янги рақобатбардош саноат корхоналарининг барпо этилиши учун шарт-шароитлар яратилади.

Шу асосда турдош тармоқлар билан бирга 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Бу эса қанчадан-қанча ёшларимиз учун янги иш жойлари, даромад ва оилавий фаровонлик манбаи бўлиб хизмат қилишини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Шунингдек, корхона томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот четга экспорт қилинади.

**Иккинчидан,** металлургия соҳасида ишлаб чиқариш кластерини барпо этишга шароит яратилади.

Биринчи босқичда хом ашё Россиядан олиб келинади. Тез орада янги корхона Бекобод металлургия заводи билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Ҳозирги пайтда Бекободда қиймати 800 миллион доллар бўлган 1 миллион тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга қуюв-прокат мажмуасини барпо этиш бошланди ва унинг маҳсулоти ушбу завод учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. Шунинг ўзи рух ва полимер қопламали листларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 90 фоизга етказиш имконини беради.

Ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — яқин йилларда яхлит "нолдан тайёр маҳсулотгача" бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат. Шунинг учун биз юртимиздаги 2 миллиард тонна қора металл захирасига эга Тебинбулоқ ва бошқа конларда етакчи хорижий компаниялар билан геологик қидирувлар ўтказдик ва бу борада техник иқтисодий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

**Учинчидан**, техник ва технологик таъминланиши жиҳатидан ушбу завод халқаро миқёсдаги энг йирик мажмуалар қаторига киради.

Бу ерда дунёнинг 27 та мамлакати, жумладан, Италия, Германия, Россия, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея каби давлатларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилган. Хусусан, корхонада ишлаб чиқариш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва назорат қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг тўрт поғонали тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

**Тўртинчидан**, завод экологик талабларга жавоб берадиган, таъбир жоиз бўлса, "энг яшил" корхоналардан бири экани биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхона чиқиндиларни қисқартириб, қатъий экологик меъёрларга амал қиладиган, чиқинди газларни ушлаб қоладиган, оқова сувларни тозалайдиган ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳурматли маросим қатнашчилари!

Маълумки, ушбу корхона Тошкент шаҳри таркибида яқинда ташкил этилган Янги ҳаёт туманида иш бошлаяпти.

**Янги ҳаёт тумани янги Ўзбекистонни ривожлантиришга комплекс ёндашувнинг намунаси, десак, тўғри бўлади.** Мазкур ҳудудда бир вақтнинг ўзида шинам тураржойлар, замонавий саноат қувватлари, янги транспорт инфратузилмаси, жумладан, ер усти метроси ва йўл ўтказгичлар, ижтимоий объектлар қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Урбанизация, аҳоли учун қулай бўлган сифатли шаҳар муҳитини яратишга оид бундай замонавий ёндашувни биз бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг жорий этмоқдамиз. Хусусан, яқин келажакда Наманган, Андижон, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларимизда ҳам айни шундай ҳудудлар барпо этишни режалаштирганмиз.

Буларнинг барчаси фуқаролик ва саноат қурилишининг жадал ривожланиши учун қулай шароит яратади, янги завод маҳсулотларига ҳам, турдош тармоқлар маҳсулотларига ҳам барқарор талабни вужудга келтиради.

Азиз дўстлар!

Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ушбу мажмуани бунёд этишда Ўзбекистондаги кўплаб қурилиш корхоналарининг мингга яқин муҳандис ва ишчилари иштирок этдилар. Завод қурилиши улар учун янги тажриба майдонига, маҳорат мактабига айланди.

Корхонада муҳандислар, лойиҳачилар, металлурглар ва бошқа мутахассисларнинг янги авлоди шаклланаётгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг аксарияти ривожланган давлатлардаги тармоқ корхоналарида малака ошириб келган йигит-қизлардир.

Мана шундай навқирон ёшларимизнинг энг юқори халқаро стандартлар даражасида ишлашга қодир экани барчамизни қувонтиради. Келажакда уларнинг билим ва салоҳияти юзлаб янги замонавий корхоналар учун мустаҳкам пойдевор бўлади, деб ишонамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ушбу янги қудратли корхона Ўзбекистон — Россия стратегик шериклиги мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ёрқин тимсолидир.

Кейинги тўрт йилда Россия Президенти Владимир Владимирович Путин билан самарали мулоқотларимиз, сиёсий иродамиз ва ўзаро қўллаб-қувватлашимиз натижасида икки томонлама муносабатларда улкан ютуқларга эришилганини мамнуният билан қайд этиб ўтмоқчиман.

Биз савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликни, Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларни юксак даражага олиб чиқишга муваффақ бўлдик.

Мазкур даврда икки томонлама савдо ҳажми ҳамда Россиядан иқтисодиётимизга киритилган инвестициялар миқдори икки баробар ортиб, мингдан зиёд янги корхоналар ташкил этилди.

Биз ҳозиргина Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Валентинович Мантуров билан ўтказган учрашувимизда мана шундай лойиҳаларни амалга оширишни ҳар томонлама муҳокама қилиб олдик ва келгусидаги ҳамкорлик режаларимизни кўриб чиқдик. Бу ўринда иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича янги лойиҳалар портфели ҳақида сўз бормоқда.

Хусусан, яқин келажакда Тошкент металлургия заводи каби ўнлаб йирик ва инновацион корхоналарни ишга тушириш мақсадида бугун Ўзбекистон ва Россия корхоналари ўртасидаги саноат кооперацияси бўйича янги узоқ муддатли дастур устида иш олиб боряпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу муҳим лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этган Россиянинг етакчи корхона, компания ва банкларига, бошқа хорижий шерикларимизга миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон ва Россия шериклигини биз учун устувор бўлган таълим соҳасида ҳам мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқдамиз. Чунки мамлакатимизда ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва илм-фанга асосланган технологияларни жорий этиш, ҳеч шубҳасиз, янги авлод кадрларини шакллантиришни тақозо этади.

Шу мақсадда кейинги уч йилда Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг 8 та янги филиали ташкил этилди. Жумладан, металлургия тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган "Москва пўлат ва қотишмалар институти" Россия миллий технологик тадқиқотлар университети филиали очилди.

Шу ўринда заводни технологик жиҳозлашда Италиянинг етакчи "Даниели" компанияси биз билан ҳамкорлик қилганини мамнуният билан таъкидлайман. Бугун биз Ўзбекистон — Италия муносабатларининг истиқболлари устида ишламоқдамиз. Ушбу лойиҳа мамлакатларимизнинг юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигига ёрқин мисол бўлади, деб ишонаман.

Бундай ноёб лойиҳа Ўзбекистон, Россия, Италия, Туркия ва бошқа мамлакатлар компаниялари, лойиҳа институтлари ва банклари ўртасидаги халқаро кооперация ва ўзаро мувофиқлаштирилган фаолият туфайли амалга оширилди. Уни молиялаштиришда "Росэксимбанк", ЭКСАР суғурта агентлиги, Ўзбекистон томонидан эса Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, "Асака" банк ва "Ўзсаноатқурилишбанк" иштирок этди.

Бу ишларда бугунги маросимимизда қатнашаётган ҳурматли хорижий ҳамкорларимизнинг шахсий иштирокини алоҳида қайд этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

**Бугун ишга туширилаётган Тошкент металлургия заводи, ҳеч шубҳасиз, янги Ўзбекистон тарихининг янги ва ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.**

Ишончим комилки, ушбу корхонанинг кўп миллатли навқирон меҳнат жамоаси Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, дунё миқёсида рақобатбардош мамлакатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Бугунги қувончли воқеа муносабати билан сизларни яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**




# ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ВА ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ОЛИЙ ҚОМУС


**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери**


*Ўзбекистон халқи ўзининг бутун ривожланиш тарихи мобайнида жамиятдаги ҳар бир инсоннинг манфаатларини бирдек ҳимоя қила оладиган, азалий миллий қадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини, ўзлигини, шаъни ва қадр-қимматини кафолатлайдиган ҳамда айни пайтда жаҳондаги ривожланган давлатларда қарор топган илғор Конституциявий ғояларни қамраб олган яхлит қомусий-ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж сезиб яшади.*

*Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг букилмас сиёсий иродасини ва хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий пойдевор бўладиган, иқтисодий-ижтимоий фаровонликни, маданий ва маърифий тараққиётимизни таъминлайдиган, энг асосийси, инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган тамойиллар ўз аксини топган Олий қомусимиз ишлаб чиқилди.*


➡ 2


# ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

*Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

## Миллий комиссия мажлиси

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси, Миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди. Мажлисда республикада чақалоқ савдосининг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари ва мавжуд муаммолар ҳамда жорий йилги пахта йиғим-терими мавсуми давомида мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар, кўрилган чоралар ва уларнинг самарадорлиги масалалари танқидий муҳокама қилинди.

Тадбирда Ички ишлар вазирлигининг юртимизда чақалоқ савдоси жиноятларини эрта аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлигининг Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилаётган ишлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тизимдаги муассасаларда чақалоқ савдосининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлари бўйича ахборотлари эшитилди.


➡ 2

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шавкат Мирзиёев бунга ҳисса қўшган лойиҳачи ва қурувчиларга, хорижий ҳамкорларга ташаккур изҳор этди.

— Биз инновацион иқтисодиётни шакллантириш, замонавий саноат, қулай сармоявий муҳитни яратиш, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун ҳар жиҳатдан ноёб бўлган Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёнидир, — деди Президент.

Ушбу завод техник ва технологик таъминланиши жиҳатидан халқаро миқёсдаги энг йирик мажмуалар қаторига киради. Бу ерда 27 та мамлакат, жумладан, Италия, Германия, Россия, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея каби давлатларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Хусусан, корхонада ишлаб чиқариш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва назорат қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг тўрт поғонали тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари янги мажмуанинг иқтисодий самарадорлигига тўхталиб ўтди. Юртимизда қора металлургия ривожланмагани сабабли саноат корхоналари кўп муаммога учрар эди. Энди Тошкент металлургия заводида йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Бу қурилиш материаллари, маиший техника, электротехника ва озиқ-овқат саноатидаги юзлаб корхоналарнинг эҳтиёжини таъминлаш имконини беради. Илгари бундай маҳсулотлар, асосан, четдан олиб келинарди.

Келажакда ушбу завод автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари эҳтиёжини ҳам қоплашга хизмат қилади.

Мазкур мажмуада биринчи босқичда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежалади. Маҳаллийлаштириш даражаси сезиларли ошади.

Мисол учун, сэндвич панеллар ва том ёпиш тунукалари таннархида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан 90 фоизгача етади. Шунингдек, бу кўрсаткич вентиляция ва ҳаво тозалаш тизимлари бўйича 30 фоиздан 50 фоизгача, маиший электротехника ишлаб чиқаришда 35 фоиздан 50 фоизгача ошади. Ўз-ўзидан аёнки, бунинг натижасида маҳсулотларнинг нархи арзонлашади. Шунингдек, завод томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Мажмуада 700 га яқин киши ишлайди. Лекин турдош тармоқлар билан бирга ҳисоблаганда, 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши мумкин.

Завод экологик талабларга жавоб берадиган, "энг яшил" корхоналардан бири экани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда илк бор атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган саноат ишлаб чиқариш технологияси ушбу заводда ташкил этилган.

Бу завод дунёдаги илғор корхоналар сингари маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, у бозордаги мавжуд энг сўнгги 4.10 технологиясидан фойдаланилган ҳолда, ўзидан чиқиндиларни умуман чиқармайдиган, тўлиқ автоматлаштирилган, интеллектуал завод эканини таъкидлаш лозим.

Бутун дунёда бундай технологик жиҳатдан ривожланган заводлар техник мутахассисларнинг янги авлодини шакллантиради. Шунингдек, дунёдаги энг ривожланган корхоналар қаторида янги маданиятни яратиб, ўзбек металлургияси ва технология ҳамжамиятининг нуфузини оширади.

Тез орада янги корхона Бекободдаги металлургия комбинати билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Бугунги кунда Бекободда қиймати 800 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда — 1 миллион тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга қуюв-прокат мажмуаси барпо этиляпти. Унинг маҳсулотлари Тошкент металлургия заводи учун хом ашё бўлади. Шунинг ўзи рух ва полимер қопламали листларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 90 фоизга етказиш имконини беради.

— Ҳаракатларимизнинг асосий мақсади яқин йилларда яхлит, "нолдан тайёр маҳсулотгача" бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат, — деди Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида.

Давлатимиз раҳбари завод Тошкентда яқинда ташкил этилган Янги ҳаёт туманида иш бошлаётганига эътибор қаратди. Корхонада муҳандис, лойиҳачи, металлург ва бошқа мутахассисларнинг янги авлоди шаклланаётгани, бу эса келажакда бошқа замонавий корхоналар учун мустаҳкам пойдевор бўлишини таъкидлади.

— Эсларингизда бўлса, биз коронавирус пандемиясидан кучли, қудратли бўлиб чиқамиз, деб мақсад қўйган эдик. Бугун бу мураккаб йил якунига етаётганда айтишимиз мумкинки, барча саъй-ҳаракатларимиз ижобий натижасини беряпти. Кўряпсизлар, дунёда нима бўляптию, Ўзбекистонда нима бўляпти. Худо хоҳласа, шу ойнинг охирида метрополитеннинг Сергели йўналишини ҳам очамиз. Илоҳим, мана шундай яхши кунларимиз кўп бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент металлургия заводи — замонавий ахборот технологиялари ва металлургия соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни мужассам этган ноёб корхонадир. Бу ерда маҳсулот сифати халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб беради. Чунки сифат назорати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ва заводнинг ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган технологиялар билан жиҳозланган марказий лабораториясида амалга оширилади. Ушбу лабораторияда барча ишлаб чиқариш жараёнлари ва стандартлари мунтазам текшириб борилади, металл прокат ва маҳсулотларнинг хоссалари баҳоланади, олиб келинаётган хом ашё ва материалларнинг технологик сифати кириш назоратидан ўтказилади.

Корхонада дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири — Италиянинг "Даниели" компанияси ускуналари ўрнатилган. Бош лойиҳачи ва пудратчи — Россиянинг металлургия соҳасидаги энг йирик инжиниринг компанияларидан бўлган "Метпром" компаниялар гуруҳидир.

Тадбирда Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни, йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Сизларни ушбу ажойиб воқеа, замонавий саноат корхонасининг очилиши билан табриклайман. Мамлакатларимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли жуда муҳим лойиҳа ишга туширилди. Лойиҳани амалга оширишда ўттиздан ортиқ корхоналаримиз, минг нафардан зиёд турли йўналишдаги юксак малакали мутахассислар жалб қилинди. Биз бундан буён ҳам Ўзбекистонда кенг миқёсли лойиҳаларни амалга ошириш ва қўшма кооперацияни ривожлантиришда иштирок этишга тайёрмиз. Фурсатдан фойдаланиб, келаси йил апрелда Тошкентда "Иннопром" халқаро инвестиция ва саноат кўргазмаси ўтказилишини айтмоқчиман. Унда Россия ва Ўзбекистон корхоналари, шунингдек, мамлакатингиз саноатини ривожлантиришдан манфаатдор хорижий компаниялар иштирок этиши мумкин. Ушбу кўргазма янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишга хизмат қилишига ишонаман, — **деди Д. Мантуров.**

— "Метпром" компаниялар гуруҳи сўнгги беш йилда 50 дан ортиқ йирик металлургия корхоналари қурилишида иштирок этди. Тошкент металлургия заводи Марказий Осиёдаги энг замонавий ва илғор завод ҳисобланади. Бундай корхонани қуришни бизга топширгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматига миннатдорлик билдирамиз, — **деди "Метпром" компанияси директорлар кенгаши раиси Станислав Лазуткин.** — Ушбу лойиҳа Ўзбекистон металлургия тармоғи учун жуда зарур. Лойиҳа қисқа муддатда амалга оширилди, афсуски, қурилиш-монтаж ишларининг авж палласи пандемия даврига тўғри келди. Биз коронавирус таъсири минимал бўлиб, лойиҳанинг муддати ва нархига таъсир қилмаслигини таъминлашда ҳар қандай ёрдамни аямаганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Ишончли шерикларсиз бундай кўламли лойиҳани амалга ошириш имконсиз. Сўнгги тўрт йилда Ўзбекистон саноатида улкан ўзгаришлар юз берди, бу бизни қувонтиради. Тошкент металлургия заводи мамлакатнинг ривожланиб бораётган иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллайди.

— Бугун биз Ўзбекистон учун муҳим стратегик лойиҳанинг биринчи босқичини якунладик. Бу улкан янгиланишлар кетаётган бугунги шароитда Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгилаб олинган мақсадларга тўла мос келади. Ушбу лойиҳа ва биз Бекободда амалга ошираётган иккинчи босқич — қуюв-прокат мажмуаси орқали Ўзбекистондаги фаолиятимизни кенгайтирамиз, юртингизнинг технологик имкониятларини юксалтирамиз. Ривожланиш, иш ўринлари яратиш ва савдо-иқтисодий алоқалар нуқтаи назаридан фойда келтирадиган мамлакатингизни импорт қилувчидан экспорт қилувчи давлатга айлантирамиз, — **деди Италиянинг "Даниели" компанияси бош директори Даниели Жакомо Марески.**

— Бугун Янги ҳаёт тумани тарихидаги энг қувончли воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятли завод туманимизда барпо этилгани бизни чексиз қувонтирди, — **деди меҳнат фахрийси Искандар Ҳайитов.** — Бу ерда завод учун зарур инфратузилма, уй-жойлар, боғчалар, мактаблар, маиший хизмат объектлари қурилди. Бошқача айтганда, ҳаётдан рози бўлиб яшаш, ишлаш учун ҳамма қулайликлар яратилди. Кўплар шу корхонага ишга жойлашди. Бундан туманимиз аҳолиси жуда хурсанд.

— Москвада ўқиб юрганимда Тошкент металлургия заводи қурилиши ҳақида эшитгандим. Ўқишни тугатгандан сўнг биринчилар қатори шу ерга ишга жойлашдим, — **деди корхонанинг ёш оператори Жасур Азимов.** — Биз технологик жараённи бошқариш учун Россиянинг кўзга кўринган металлургия комбинатларида малака оширдик. Энди ўрганганларимни ушбу заводдаги иш фаолиятимда қўллайман.

Шундан сўнг Тошкент металлургия заводи фаолиятига старт берувчи рамзий тугма босилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент металлургия заводидаги технологик жараён билан танишди.

Ушбу корхона техник ва технологик жиҳатдан халқаро миқёсдаги йирик мажмуалар қаторига киради.

Мажмуа мутасаддилари ишлаб чиқарувчилар билан йўлга қўйиладиган кооперация алоқалари ҳақида маълумот берди. Завод маҳсулотларига ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб корхоналардан буюртмалар тушаётгани айтилди.

— Металл муаммо бўлгани учун саноатда занжир йўқ эди. Бу завод ишга тушиши билан талаб юқори бўлган металлургия маҳсулотини ишлаб чиқариш занжири шаклланади. Ҳудудларда яна юзлаб корхоналарнинг барпо этилиши учун жуда катта замин бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари заводнинг шоурумида ҳам бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Эсдалик учун дарахт кўчати экилди.

Мухтасар айтганда, миллий иқтисодиётимизнинг металлургия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда улкан тарихий қадам қўйилди. Янги завод жадал суръатлар билан ривожланиб, саноатимиз локомотивларидан бирига айланади. Президентимиз таъкидлаганидек, Тошкент металлургия заводи янги Ўзбекистоннинг янги ва ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**М. ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# РОССИЯ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНМОҚДА

**Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 4 декабрь куни Тошкент шаҳридаги Халқаро ҳамкорлик марказида "Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доиралари ўртасидаги саноат кооперацияси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда икки давлат ўртасида саноат, савдо ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун масъул бўлган вазирлик, идоралар, йирик компаниялар раҳбарлари, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги дипломатик миссияси вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов бу йил коронавирус пандемиясининг бутун дунё, жумладан, мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирига қарамасдан, яқин иттифоқчи, стратегик шерик мақомидаги Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги ўсиш суръатини нафақат муайян даражада ушлаб қолиш, балки муносабатларни янги куч билан ривожлантиришга ҳам эришилганини мамнуният билан қайд этди.

Хусусан, ўтган уч йил давомида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси қарийб икки баравар ошди. Давлат раҳбарлари томонидан ушбу кўрсаткични яқин келажакда 10 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган. Пойтахтимизнинг энг ёш ҳудуди — Янги ҳаёт туманида Тошкент металлургия заводи очилиши эса бу йўлда қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Айни воқеа кун сайин ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Россия муносабатлари барча соҳада янада юқори ўсиш суръатини олиши учун намуна бўлиб хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Россия делегацияси раҳбари Д. Мантуров, ўз навбатида, мазкур ташриф доирасидаги музокаралар давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, саноат ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга, ҳар икки мамлакат ҳудудида янгидан-янги қўшма корхоналар очишга кўмак беришига ишонч билдирди. Бу жараёнда ишлаб чиқаришга ихтисослашган улкан компаниялар тизимидаги алоқаларни кенгайтириш баробарида, ўрта ва кичик бизнесни тараққий эттиришга ҳам жиддий эътибор қаратилишини билдирди.

Давра суҳбати давомида кон-металлургия, электротехника, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, замонавий технологиялар, транспорт, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги каби иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳа ва йўналишларда ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш масалалари муҳокама этилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги раҳбар ва масъул ходимлари томонидан Россия билан ҳамкорликда режалаштирилаётган лойиҳалар тақдимоти намойиш этилди. Тақдим қилинган лойиҳалар меҳмонларда жиддий қизиқиш уйғотди.

Ўз навбатида, "Россия экспорт маркази" АЖ, "РТ-Инжиниринг" ОАЖ, "BIOCAD" компанияси, Россия тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси каби тузилмалар раҳбарлари ўз корхоналарининг мамлакатимиз билан ҳамкорлигидан манфаатдор эканликларини аниқ таклиф, тавсиялар билан тасдиқлашди.

Давра суҳбати якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида саноат, ташқи савдо ва инвестиция соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, шунингдек, "ИННОПРОМ. Ўзбекистонда катта саноат ҳафталиги" халқаро саноат кўргазмасини ташкил этиш ҳамда "Лойиҳалар офиси" доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатини тузиш бўйича чора-тадбирлар режаси имзоланди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ВА ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ОЛИЙ ҚОМУС

1

Бош қомусимиз инсон манфаатларини таъминлаш учун хизмат қиладиган инсонпарвар фуқаролик жамиятининг, адолатли ҳуқуқий давлатнинг, демократик суверен йўлимизнинг ҳуқуқий асосига айланди.

Шу билан бирга, Конституциямизда замонавий ўзбек миллий давлатчилигининг тенг ҳуқуқлилик, қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларининг сўзсиз устуворлиги каби принциплар билан бир қаторда, ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган муқаддас анъаналар, хусусан, оиланинг муқаддаслиги, фарзандларнинг ота-онаси олдидаги бурчлари ҳам аниқ-равшан белгилаб берилди.

Бироқ ҳар қандай конституция қанчалик залварли ва мукаммал бўлмасин, аҳолининг турмуш тарзи ҳамда яшаш сифати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш кафолатлари нафақат конституциявий нормаларнинг ҳаққонийлигига таянади, балки улар, асосан, фуқаролар ва давлат институтларининг ушбу нормаларни таъминлашга бўлган интилишлари ҳамда саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис Асосий Қонунимизда белгиланган инсонпарварлик принципларининг амалга ошишида давлатнинг самарали фаолияти беқиёс аҳамиятга эгадир. Зеро, бугунги замонавий демократик жамиятларда давлат институтлари фаолиятининг самарадорлиги конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш ва ундаги принципларни рўёбга чиқариш даражасига қараб баҳоланади.

Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ собитқадамлик ва қатъиятлик билан конституциявий ваколатлари доирасида Конституциямизнинг барча нормасини ҳаракатга келтириш ҳамда уларнинг ишлашини таъминлаш чораларини кўришга киришди ва бунга муваффақ бўлди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари қонунчилик жараёнига янги амалиётни олиб кирди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг янги, демократик шакллари жорий этилмоқда, қонун ҳужжатлари лойиҳалари кенг жамоатчилик вакиллари, миллий ва хорижий экспертлар доирасида муҳокамалардан ўтмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнига бундай янгиликлар татбиқ этилиши натижасида қонун ҳужжатларининг амалий самарадорлиги ва ҳаётийлиги кескин ошишига эришилмоқда.

Президентимиз Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципига алоҳида эътибор қаратиб, халқни эшитиш ва унинг ташвишу муаммоларини ҳал этишни, фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз сиёсий йўлининг қатъий ва ўзгармас принципларидан бирига айлантирди. Шу билан бирга, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган **"Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади"** деган конституциявий нормани бажариш вазифасини жамиятнинг ва давлат органларининг олдига кўндаланг қўйди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда конституциявий қонунчилик нормаларини амалда қўллаш соҳасида Ўзбекистон Президенти томонидан юксак касбий малака ва беқиёс фидокорлик билан амалга оширилган туб ўзгаришлар кўламини таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз Конституциясининг тегишли моддалари мисолида ушбу жараёнга оид айрим муҳим мисолларга эътибор қаратмоқчиман.

**Биринчи мисол.** ***"35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.***

***Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт".***

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг, уларга муносабат билдиришнинг мутлақо янги ва самарали тизими яратилиб, уларни давлат органлари томонидан кўриб чиқиш амалиёти тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, шунингдек, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари мазкур тизимнинг марказий бўғинига айланди. Ушбу янги тизимлар, ўз навбатида, давлат органларининг халқ томонидан кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш борасидаги масъулиятини кучайтириш ва пировард натижада муҳим конституциявий нормани ҳаракатга келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Иккинчи мисол**. ***"29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.***

***Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга таллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин".***

Сўнгги вақтларда Президентимизнинг қатъий иродаси туфайли мамлакатимизнинг миллий ахборот соҳасида чинакамига инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари, юртимиз фуқаролари ўз фикрини эркин ифодалаш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимизнинг ахборот майдонида шундай очиқлик ва сўз эркинлиги муҳити яратилдики, ҳар бир муаммо яширилмасдан ошкора жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқила бошланди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги принципи қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.

**Учинчи мисол.** ***"40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".***

Давлат раҳбари учун энг ноёб ва зарур қобилиятни — олдиндан узоқни кўра билиш ва ўз вақтида чоралар кўриш қобилиятини ўзида мужассам этган Президентимиз ўз фаолиятини бажаришга киришган биринчи кунлардан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширмаганда, бутун дунёни таҳликага туширган коронавирус пандемияси мамлакатимизни қандай мушкул вазиятга солиб қўйиши мумкинлигини эндиликда тасаввур этиш қийин эмас.

Ўзбекистон Президенти бутун дунёни таҳликага солган пандемия билан боғлиқ мураккаб ва оғир вазиятларда бутун масъулиятни қатъий ирода билан ўз зиммасига олди ва барча давлат идораларини, жамоатчиликни бу хавфнинг олдини олиш чораларини кўришга сафарбар этди. Натижада Ўзбекистон коронавирус пандемияси туфайли қурбонлар сонини ва иқтисодий йўқотишларни энг паст кўрсаткичга тушира олган озчилик мамлакатлар қаторидан жой олди. Миллий ва халқаро ҳамжамият соғлиқни сақлаш миллий тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг шахсан иштирок этганлиги фуқароларнинг малакали тиббий хизматга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, мамлакатни коронавирус пандемияси билан боғлиқ оғир нохуш оқибатлардан халос этиш имкониятини берганлигининг гувоҳи бўлди.

***Тўртинчи мисол. "42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.***

***Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади".***

Ўзбекистон Президентининг бевосита ташаббуслари илм-фан, техникани, маданиятни ривожлантириш соҳасини жонлантиришга қаратилган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун асос бўлди. Давлат бошлиғи таълим ва маданиятни ривожлантириш жараёнларига янгича шакл-шамойил берди. Бу борада замонавий глобал тараққиётга ҳамоҳанг бўлган ва ҳар бир шахсни ижодий, инновацион, маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий тизимни яратишнинг тамал тошини қўйди.

Натижада кенг кўламли изланишлар, тузилмавий ўзгаришлар туфайли барча даражадаги таълим, илмий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар тизими, миллий маданиятни ривожлантириш жараёнлари қайта жонлана бошлади.

Умуман, Президентимиз Асосий Қонунимизнинг бутун фалсафаси ва руҳини барчамизга чуқур сингдириш билан бир қаторда, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган барча нормалар ва принципларнинг ҳаётга татбиқ этилишига эриша олди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Конституциямиз янги демократик нормалар билан бойитилди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз халқ хоҳиш-иродаси билан яратилган Ўзбекистон Конституциясининг бутун қудрати ва салоҳиятини ўзининг шахсий намунаси, тиним билмас ташаббускорлиги билан барчамизга намойиш этяпти ҳамда ибрат бўлаётир. Шу нуқтаи назардан, Шавкат Мирзиёевнинг ҳуқуқий давлат ва инсонпарварлик принципларига нисбатан ҳурмати, содиқлиги, шунингдек, қонунийликни ва Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқий нормаларнинг аниқ бажарилишини таъминлашга бўлган интилишлари ҳаммамиз учун улкан ибратдир.

# ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

1

Ўзбекистон Республикасида чақалоқ савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишларини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Мажлисда жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва теримчилар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш бўйича кўрилган чоралар самараси масаласи ҳам таҳлил қилинди.

Хусусан, мавсум давомида сенаторлар ва депутатлар, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, журналистлар ва блогерлардан иборат 13 та, давлат меҳнат инспекторлари иштирокида 6 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари ўтказилган. Жойлардан тушган мурожаатлар зудлик билан ўрганилиб, аниқланган муаммолар жойида бартараф этилгани, мажбурий меҳнатга йўл қўйган ва муносиб меҳнат шароитлари яратилишига етарли эътибор қаратмаган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилгани қайд этилди.

Ишчи гуруҳлар томонидан мамлакатимиз барча туманларидаги 5 минг 861 объектда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар давомида Давлат меҳнат инспекцияси томонидан меҳнат қонунчилигини бузганлиги учун 170 нафар мансабдор шахсга жами 653 миллион 167 минг сўм миқдорида жарима тайинланди. Масалан, мажбурий меҳнатга йўл қўйгани учун 42 нафар мансабдор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига асосан жавобгарликка тортилди ва яна 6 та ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар судларга киритилди.

Мажлисда жойларда мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар юзасидан Наманган, Жиззах, Тошкент, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ахборотлари эшитилди.

Ўз навбатида, ушбу вилоятларда пахта йиғим-терими мавсуми давомида теримчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиб бериш, уларнинг иш ҳақи ўз вақтида берилишини таъминлаш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги танқид қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ҳамда истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ШАФФОФЛИК ВА ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

*Халқаро пресс-клуб томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчилигида сўз ҳамда матбуот эркинлиги ва Ўзбекистонда ОАВни ривожлантириш жараёнлари" мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Унда сўз, матбуот эркинлиги йўлида қилинаётган ишлар, олдинда турган муаммолар, вазифалар муҳокама қилинди.*

## Давра суҳбати

Конституция қабул қилинган кун муносабати билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбати аввалида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев сўз олди.

— Агар ўз вақтида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шаффофлик ва очиқликни таъминлашга қаратилган ислоҳотлар бошланмаганида, жамиятимизда сўз, матбуот эркинлиги жорий этилмаганида пандемия шароитида бизнинг аҳволимиз анча мураккаб кечарди, — деди Содиқ Сафоев. — Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлардан аҳолининг манфаатларини, пандемия вақтида юзага келган муаммоларини кескин равишда кўтарганлари, уларни ҳукумат олдига дадил қўйганлари учун чексиз миннатдор бўлишимиз керак. Бугун шу сўзни айтишни бурчим деб биламанки, биздаги жараёнлар ортга қайтмас тус олмоқда. Биринчи навбатда ҳукумат, парламент, фуқаролик жамияти сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашни, ОАВ ҳуқуқ ва имтиёзларини кафолатлашни ўзининг асосий вазифаси деб билиши керак. Ҳаммамиз буни яхши англамоғимиз зарур. Бунинг учун, энг муҳими, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси бор.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов матбуот эркинлиги ва унинг инсон ҳуқуқлари билан бевосита чамбарчас боғлиқлиги хусусида тўхталди.

— Сўз эркинлиги, матбуот эркинлигисиз инсон ҳуқуқлари бўлиши мумкин эмас, — деди Акмал Саидов. — Машҳур америкалик ҳуқуқшунос Ральф Нейдер таъкидлаганидек, "ахборот — демократиянинг асосий валютасидир". Сўз эркинлиги — ҳар бир фуқаронинг шахсий, табиий ҳуқуқидир. Шу муносабат билан машҳур инглиз драматурги Бернард Шоу фикрларини айтмоқчи эдим. У айтадики, "Мен фикрлашни ўрганишимдан анча олдинроқ эркин фикрлайдиган инсон бўлганман". Демак, бу табиий ҳуқуқ, фундаментал ҳуқуқ. Сўз эркинлиги ҳар бир жамият ва шахснинг ҳам ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев ҳам ўз фикрларини билдирди.

— Ҳозирги замонда ахборотни беркитиб бўлмайди. Танқидий фикрларни давлат бошқарув органлари эшитиши, фаолиятини таҳлил қилиши керак, — деди у. — Ўтган йиллар давомида катта бир иш амалга оширилган, бу матбуот хизматларининг ташкил этилиши. Матбуот хизматлари орқали давлат ташкилотлари очиқлиги таъминлаб берилиши керак. Ҳозир мингдан зиёд матбуот котиблари ўз фаолиятини амалга оширяпти. Биз уларни баҳолашимиз, малакасини оширишимиз керак.

Давра суҳбатида халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди ва бугунги кунда Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар хусусида фикрларини баён қилди.

Хусусан, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори Жон МакГрегор қуйидагича фикр билдирди:

— Ўтган тўрт йил давомида Президент Шавкат Мирзиёевнинг чиқишларини шахсан кузатиб бораман. Барчамиз билиб турибмизки, Ўзбекистон халқаро мажбуриятларни ҳурмат қилади ва давлат раҳбари сўз эркинлиги қандай бўлиши ва у қандай таъминланиши кераклигини айтиб келади. Халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистондаги бу соҳадаги жараёнларни қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Президентининг матбуотга қаратаётган эътиборини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Давлат раҳбари журналист ва блогерлар билан учрашмоқда. Бу ажойиб, олдин бунга ўхшаш воқеаларни кўрмасдик, — деди Жон МакГрегор.

Давра суҳбатида оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ҳам сўзга чиқди. Тадбир савол-жавоблар билан якунланди.

**Инобат АҲАТОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## Олий Мажлис Сенатида

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг қатор қўмиталарида видеоконференцалоқа тарзида йиғилишлар ўтказилди ва уларда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим бўлган масалалар кўриб чиқилди.*

### Қонун ижроси ўрганилди

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси йиғилишида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ташкил этиш ҳамда ўташга оид қисмининг Андижон ва Наманган вилоятларидаги ҳарбий қисмларда ижро этилиши ҳолати юзасидан олиб борилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари билан ўтказиладиган ҳарбий йиғинлар муддати ҳар йили Президент фармойиши ҳамда мудофаа вазири буйруғи асосида белгиланади. Шунга биноан, ҳарбий йиғинлар йилнинг ўн икки ойи давомида ташкил этилади.

Андижон ва Наманган вилоятлари мудофаа ишлари бошқармалари ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари томонидан сафарбарлик чақируви резерви хизматига жалб қилинган ва тегишли пул бадалларини тўлиқ тўлаган чақирилувчилар ойлик йиғинлари ҳудудийлик принципи асосида Андижон шаҳрида ҳамда Поп туманида жойлашган 528 ва 530 — СЧР батальонларида ўтказилмоқда. Бу батальонларда белгиланган режадан келиб чиққан ҳолда, ҳар ойда 1200 — 1250 нафар хизматчи йиғинларни ўтаб қайтмоқда.

Тадбирда ўрганиш натижалари ва таҳлиллар сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга оид қонун ҳужжатларида тафовутлар мавжудлиги ҳамда ушбу хизматни ташкил этиш ва ўташ, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани малакали ўқитувчилар томонидан ўтилишини ташкил этиш ҳамда бошқа бир қатор масалаларда муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатганига ҳам урғу берилди.

### Мудофаа вазирининг ахбороти эшитилди

Мазкур қўмитанинг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон мудофаа вазирининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ва ҳарбий қурилишини ривожлантириш ҳамда ҳарбий хавфсизликни таъминлаш бўйича 2020 йилнинг 10 ойида бажарилган вазифалар ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Йиғилишда бугун қўшинларнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини сифатли ташкил этиш ҳамда юқори даражага кўтариш мақсадида “Чирчиқ” полигони ҳудудида Мудофаа вазирлигининг моделлаштириш ва симуляция дала-ўқув маркази янгидан барпо этилгани алоҳида айтиб ўтилди.

Тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази, “Каттақўрғон”, “Термиз”, “Ангрен” ва “Сазаган” полигонлари халқаро талабларга мос равишда янги кўринишда таъмирланди. Ҳафтанинг 4 куни жанговар тайёргарлик учун ажратилади, муҳими, машғулотлар сифати ва сони оширилди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам янги қадамлар қўйилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарори билан вазирлик таркибида янги олий ҳарбий таълим муассасаси — Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил қилинган бўлиб, бу ерда ҳарбий интернатура, клиник ординатура, магистратура ва докторантура даражасидаги мутахассислар тайёрланади.

Бундан ташқари, вазирликнинг автоматлаштирилган ахборот тизими ва маълумотлар асоси бўлган “Сафарбарлик” электрон маълумотлар базаси барпо этилди. Бу тизимнинг самарали фаолият юритиши учун ҳудудлардаги 14 та мудофаа ишлари бошқармаси ва 201 мудофаа ишлари бўлимига 228 км. оптик толали алоқа кабеллари тортилиб, илғор ахборот-коммуникация қурилмалари ҳамда технологиялари билан жиҳозланди.

Тадбирда шу йилнинг ўтган даври учун мўлжалланган айрим вазифалар тўлақонли бажарилмаганига ҳам эътибор қаратилди. Масалан, айрим ҳарбий шаҳарча ва полигонлардаги объектларда қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари якунига етказилмаган. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича вилоят, туман ва шаҳарларда ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, мақсадли ҳамда манзилли тадбирларни амалга ошириш ишлари етарлича ташкил этилмаган.

### Сув хўжалигини ривожлантириш вазифалари қай даражада уддаланмоқда?

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифалар бажарилиши ҳолати юзасидан сув хўжалиги вазирининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, сўнгги уч йил мобайнида сув хўжалиги объектларини реконструкция қилиш ва уларнинг техник ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларида сув исрофгарчилигини камайтириш, яъни уларни бетонлаштириш ва фильтрацияга қарши тадбирлар кўлами 7,5 баробар ошган. Айни чоғда сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик принципларини жорий қилиш бўйича 50 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, улар юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилган.

Тадбирда шу натижалар билан бирга, соҳада айрим муаммолар сақланиб қолаётгани айтиб ўтилди. Масалан, жорий йилда ирригация ва мелиорация объектларини бошқаришни рақамли технология асосида 2 мингта мелиоратив кузатув қудуғини онлайн мониторинг тизимига ўтказиш, 151 нуқтада “Ақлли сув” қурилмаси ҳамда 10 та йирик гидроузелни автоматлаштириш белгиланган бўлса-да, фақат 66 та кузатув қудуғи, 76 та “Ақлли сув” қурилмаси, 5 та йирик гидроузелни автоматлаштириш ишлари бажарилган, холос. Қолаверса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда сув ва тупроқ шўрланишининг олдини олишга мўлжалланган замонавий ўлчаш жиҳозлари етишмаслиги боис мелиоратив тадбирларни амалга оширишда муаммолар вужудга келган. Ушбу муаммолар ечимига қаратилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш лойиҳалари етарли даражада молиялаштирилмаган.

### Қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиш механизми мустаҳкамланмоқда

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ва Бюджетнома, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил тўққиз ойидаги ижроси муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан эътироф этилганидек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предмети, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишишнинг умумий қоидалари белгиланмоқда. Бу Қонун қабул қилиниши натижасида норма ижодкорлиги фаолиятига таалluқли барча ўзгартиришларни, шу жумладан, қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиш механизмини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш имкони яратилади.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ва Бюджетнома муҳокамаси доирасида Молия вазирлиги вакилларининг тегишли ахборотлари эшитилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама доирасида Давлат бюджети ижросини таъминлашда аҳолига очиқ ва шаффоф маълумотлар бериб борилишини таъминлашга қаратилган қонун нормасига тўлиқ амал қилинмаётганлиги, вазирлик ва идораларнинг қарийб 55 фоиз бюджет ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз веб-сайтида жойлаштирмаслиги, жамоатчилик мурожаатлари асосида ташкил этилган тадбирларни молиялаштиришга маҳаллий бюджет қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини ажратиш тартиби тўлиқ жорий этилмаганлиги, маҳаллий бюджетдан ажратилган дори-дармон харажатлари ҳудудлар бўйича кескин фарқ қилиши каби масалалар бўйича эътирозлар билдирилди.

### Келаси йилнинг Давлат бюджети қандай тақсимланади?

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилиши “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳамда Бюджетноманинг дастлабки лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Қайд этилганидек, Давлат бюджетининг 2021 йилги соҳалар кесимидаги харажатлари прогнозига кўра, маданият ва спорт соҳаси учун харажатлар 2,6 триллион сўмни ташкил қилиб, 2020 йилги параметрга нисбатан 13,7 фоизга ошиши назарда тутилган. 2021 йилда маданият соҳасидаги Давлат дастурларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 242 миллиард сўм, жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига 407 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилаётир.

Бундан ташқари, 2021 йилда Давлат бюджети ҳисобидан Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг биринчи йўналиши — ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш мақсадида мактабларни мусиқа ва чолғу асбоблари, техникалари билан таъминлашга 8,4 миллиард сўм, иккинчи ташаббус — ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида спорт жиҳозлари харид қилиш учун 45,0 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари ҳам инобатга олинган. Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини шакллантириш ҳамда моддий-техника базасини таъминлашга эса 55,8 миллард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Тадбирда иштирокчилар томонидан 2021 йилдаги бюджет параметрларига қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар билдирилди.

Йиғилишларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмиталар қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Конституция — фаровон ҳаёт гаровидир” мавзуида парламент конференцияси бўлиб ўтди.*

## Конференция

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда парламент аъзолари билан бир қаторда жойлардан видеоконференцалоқа орқали халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти вакиллари, Ёшлар парламенти аъзолари, сиёсий партиялар фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов ўз сўзида парламент фаолиятида мутлақо янгича форматдаги бундай тадбир, яъни парламент конференцияси иккинчи маротаба ўтказилаётганини алоҳида эътироф этди.

Анжуманда Конституцияда Олий Мажлисни қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи сифатида белгилаш орқали унга кенг ваколатлар берилгани тўғрисида атрофлича сўз юритилди. Қайд этилганидек, бу ваколатлар қонунчилик, парламент назоратини амалга ошириш, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ифодалаш борасида Олий Мажлис зиммасига юклатилган қатор вазифаларнинг бажарилишини самарали тарзда таъминлаш билан бевосита боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан айтганда, сўнгги уч йил ичида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон парламентига янги ва ҳақиқий ваколатлар берилдики, бу ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни ўрнатиш, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг стратегик йўлларини белгилашда парламентнинг иштироки самарадорлигини ошириш имкониятини яратаётир. Бинобарин, бугун парламент демократик ва коллегиал тарзда ишлашнинг энг яхши намуналарини намойиш этмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, очиқ ва эркин фикр билдириш муҳитини яратиш ишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Тадбирда кейинги даврда Конституцияга бир қатор муҳим ўзгартиришлар киритилгани, булар, ўз навбатида, мамлакат ҳаётининг барча соҳасида кенг қамровли ислоҳотларнинг босқичма-босқич, тизимли равишда амалга оширилишида долзарб аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Хусусан, Бош қомусга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилашга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини такомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланди.

Парламент конференцияси иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг маҳаллий вакиллик органлари ваколатини ошириш, маҳаллий Кенгаш депутатларининг назорат функцияларини кучайтириш борасидаги ташаббуслари ўзининг ижобий натижасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Вакиллик органларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари даражасидаги фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берганини кейинги вақтларда уларнинг маҳаллий бюджетлар маблағларини самарали режалаштириш ҳамда уларнинг сарфланиши устидан назоратни олиб боришдаги ўрни ва масъулияти кескин ошгани мисолида кўриш мумкин.

Муҳим ўзгартишлардан бири — эндиликда Президент Бош вазирнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаши ва лавозимларидан озод қилиши бўлди.

Конференцияда қуйи палатага сайланган ёш депутатлар ҳамда соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди. Уларда асосий эътибор ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати, инсон манфаатлари пойдевори бўлган Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамияти, барча соҳа қаторида илм-фанни ривожлантиришдаги ролига қаратилди. Ҳаётий дастуриламал ҳужжат орқали яратилган имкониятлар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Айниқса, Асосий Қонунимизни ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз, унга қатъий амал қилишимиз, ундаги умуминсоний қадриятларни ёш авлод қалбига сингдиришимиз зарурлиги таъкидланди.

Анжуманда, шунингдек, ҳудудлардан онлайн тарзда иштирок этган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари жамиятнинг ҳар бир аъзоси Конституцияни пухта билиши, унинг қоидаларига сўзсиз риоя қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Якунда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# МИЛЛИЙ ТАЖРИБА, ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЯНГИ НОРМАЛАР



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар бюджет жараёни такомиллаштирилиши, 2021 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши, суд-ҳуқуқ соҳасидаги имкониятлар кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган бир қатор қонун лойиҳаларини атрофлича кўриб чиқди.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### Киото конвенцияси тавсиявий характерга эга

Депутатлар “Божхона тартиботларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июндаги ўзгартиришлар билан) қўшилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси юзасидан Давлат божхона қўмитаси раиси М. Азимов маъруза қилди.

Қайд этилганидек, Киото конвенцияси қоидалари, бир томондан, божхона тартиботларини соддалаштириш ва тезлаштириш орқали ташқи савдо фаолиятини рағбатлантириш, бошқа томондан, мазкур имтиёзлар давлатларнинг манфаатларига (давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўлдириш ва ташқи бозорни ҳимоя қилиш бўйича) зарар етказмаслигига йўналтирилган. Ҳозирги вақтда Жаҳон божхона ташкилотига аъзо 183 та давлатдан 126 таси, шунингдек, МДҲга аъзо 7 та мамлакат мазкур Конвенцияга қўшилган.

Конвенция унга аъзо давлатларга, ўзларининг миллий қонунчилигида божхона расмийлаштируви жараёнларини содда, тушунарли ва олдиндан айта билиш мумкин бўлган қоидалар асосида шакллантириш мажбуриятини юклайди.

Киото конвенцияси қоидалари тўғридан-тўғри мажбурият юклайдиган ҳуқуқий меъёрлар шаклида эмас, балки тавсиявий характердаги стандартлар шаклида ишлаб чиқилган.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Бюджет ссудалар бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш 5 иш кунига қисқартирилмоқда

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Аввал хабар берилганидек, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Бюджет кодекслари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Биринчи ва иккинчи ўқиш оралиғида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, қуйи палатанинг Давлат бюджети бошқармаси ҳамда мутахассис ва экспертлар томонидан сиёсий партиялар фракциялари вакиллари билдирган фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар асосида қонун лойиҳаси янада такомилига етказилди. Хусусан, Бюджет кодексида таклиф этилган Молия вазирлиги томонидан маҳаллий бюджетларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олиш харажатларининг чекланган миқдорларини белгилаш тўғрисидаги нормани чиқариб ташлаш таклиф этилди. Мазкур тартибни вилоятлар томонидан туман ва шаҳарлар учун қўллаш ҳам чиқариб ташланмоқда. Депутатларнинг фикрича, бу, ўз навбатида, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, Бюджет кодексида бюджет ссудалар бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 10 кундан 5 иш кунига қисқартирилмоқда.

Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим бўлган бюджет сўрови институти такомилига етказилди. Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириш манбаси аниқ бўлмасдан бошланган тадбирларни ва (ёки) параллел лойиҳалаштириш, тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширилган қуриш ва таъмирлаш ишларини молиялаштиришнинг олдини олиш бўйича қўшимча чекловлар киритилди.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бюджет тизими ва бюджет жараёнини такомиллаштиришга ҳамда мазкур йўналишдаги вазифаларнинг самарали бажарилишига имкон яратади.

### 2021 йилда қайси солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолади?

Депутатлар “2021 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинганидан сўнг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан мутахассис ҳамда экспертлар жалб этилган ҳолда тузилган ишчи гуруҳи сиёсий партиялар фракциялари томонидан билдирилган фикрлар ва таклифлардан келиб чиқиб, ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлади.

Аввало, қонун лойиҳасининг номи “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” деб ўзгартирилди. Шунингдек, қатор моддалар такомиллаштирилди. Хусусан, қонун лойиҳаси билан Бюджет кодексига солиқ тўловчиларга меҳнат стажи ҳисобланиши учун йилига камида 1 базавий ҳисоблаш миқдори тўланганда, унга пенсия нафақасига чиқишида стажга эга бўлиши нормаси киритилмоқда, қўмита томонидан қўшимча равишда солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси солиқни ихтиёрий асосда тўлашлари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, фойда солиғини тўлаш тартиби амалдаги нормада ҳар ойлик бўнак тўловини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилар эди. Эндиликда келгуси чоракнинг биринчи ойи 10 санасигача кутилаётган фойда суммасидан келиб чиқиб, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқи ҳамда кутилаётган фойда агарда камайтириб кўрсатилган тақдирда солиқ органларига тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилмоқда. Бу эса, ўз ўрнида, тадбиркорларимиз томонидан солиқларни ошиқча ёки кам тўлаш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Солиқ кодексида сув ресурсларини ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланган сув истеъмолчиларига ишлатилган сув ҳажми учун амалдаги ставканинг 0,7 камайтирувчи коэффиценти, яъни агарда ҳисобга олиш ўлчагичи бўлган тақдирда белгиланган солиқ ставкасидан кам тўлаш таклиф этилмоқда. Бунда ҳисоблагич ўрнатилган тақдирда солиқ миқдори камайтирилади.

Таъкидлаш лозим, қонун лойиҳаси билан ҚҚС (15 фоиз), фойда солиғи (15 фоиз, айрим тоифалар учун 20 фоиз), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (12 фоиз), юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи (2 фоиз), қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи (0,95 фоиз), ижтимоий солиқ (хўжалик юритувчи субъектлар — 12 фоиз ва бюджет ташкилотлари — 25 фоиз), айланмадан олинадиган солиқ (базавий ставка 4 фоиз) ставкаларини сақлаб қолиш кўзда тутилган.

Қизғин баҳс-мунозара ва савол-жавоблардан сўнг депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилдилар.

### Янги марказ давлат божи тўлашдан озод қилинади

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси юзасидан Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С. Бекенов маъруза қилди.

Қайд этилганидек, ушбу лойиҳа билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 8, 9 ва 10-моддаларига тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2020 йил 1 июлдаги “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асос бўлмоқда.

Бинобарин, қонун лойиҳасида мамлакатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази давлат бошқаруви органи ҳисобланиши инобатга олиниб, марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган вазифалар юзасидан судларга киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилиниши белгиланган.

Мажлисда қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун белгиланган тартибда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига жойлаштирилгани ҳамда мутахассислар, экспертлар фикрлари, таклифлари эътиборга олингани таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Қонун лойиҳалари одил судловни таъминлашга қаратилган

Депутатлар Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонларида суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқишнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш, апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш зарурлиги таъкидланган.

Шундан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаларида одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш, апелляция ва кассация инстанцияларини эса ислоҳ қилиш назарда тутилмоқда. Жумладан, Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқи бекор қилинмоқда.

Амалда мавжуд бўлган Олий суд судьясининг назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқариш ваколати бекор қилинмоқда, яъни процессуал кодексларда белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилинган ҳолда берилган шикоят (протест) кассация инстанцияси судининг иш юритувига қабул қилиниб, судлов ҳайъатида кўриб чиқилиши таклиф этилмоқда.

Жиноят-процессуал кодексига янги очилган ҳолатлар туфайли жиноят иши бўйича иш юритишни қайтадан бошлашнинг аниқ қоидаларини белгиловчи қўшимчалар, қатор янгиликлар киритилмоқда. Уларга кўра, ушбу ҳуқуқни илгари назарда тутилганидек нафақат прокурор, балки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳам амалга ошириши мумкин. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги илтимос ёки хабарни кўриб чиқиш ҳуқуқи Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонуний кучга кириши ва ижро этилиши тартиби аниқлаштирилмоқда.

## Бир суд — бир инстанция: фракциялар муносабати қандай?

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:**

— Мажлисда муҳокама қилинган суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонун лойиҳалари суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, қонун лойиҳалари билан инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши, қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Партиямиз сайловолди дастурида суд буйруғи институтини такомиллаштириш, унинг айрим турлари ўрнига судгача ҳал этиш механизмларини жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Қонун лойиҳаларида киритилаётган янгиликлар партиямиз илгари сураётган дастурий ғоялар билан тўла уйғун ва ҳамоҳангдир.

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари:**

— Алоҳида қайд этиш керак, муҳокама этилган қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши натижасида 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади.

Эндиликда фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятлари бирмунча осонлашади ҳамда жамиятнинг одил судловга бўлган ишончи мустаҳкамланади. Шунингдек, халқаро стандартлар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилинишига хизмат қилади.

**Шухрат ПОЛВОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**

— Сўнгги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан суд ҳокимиятининг обрў-эътиборига путур етказадиган, фуқароларда судларга нисбатан салбий муносабат, шунингдек, одил судловга нисбатан ишончсизлик уйғотадиган бир қатор нормалар сақланиб қолмоқда эди.

Партиямиз сайловолди дастурида суд тизимини комплекс ривожлантириш, судларнинг мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти эканлиги қайд этилиб, юқоридаги қонун лойиҳаларида киритилган ташаббус ва ғоялар илгари сурилган эди. Инсонлар сарсон бўлишининг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклаш, суд жараёнида томонларнинг тенглик принципини таъминлаш каби ташаббуслар шулар жумласидан.

Ҳеч иккиланишсиз юқоридаги қонун лойиҳаларини партия ғоя ва ташаббусларига ҳамоҳанг бўлган ҳаётий зарурат, деб айта оламиз. Биз бундан кейин ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг давом эттирилиши борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:**

— Парламентда муҳокама этилаётган бир қатор қонун лойиҳаларида судлов фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан тизимли ўзгаришлар қамраб олинмоқда. Улар фуқароларни сарсон-саргардон қилмаслик, ойлар, йиллар давомида бир ишнинг судма-суд, ҳудудма-ҳудуд айланиб юрмаслиги, судлар ва судьяларнинг қарор қабул қилишдаги масъулияти ошиши нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Янги ўзгартириш ва қўшимчалар 2021 йил 1 январдан жорий этилиши белгиланган “Бир суд — бир инстанция” тамойилини ҳуқуқий жиҳатдан рўёбга чиқаришга ҳам хизмат қилади.

Судларда ишлар қандай тартибда кўрилиши бўйича мутахассис бўлмаган ёки шунга иши тушмаган кишиларда аниқ тушунча йўқ. Бунинг асосий сабаби сифатида амалдаги тартибнинг мураккаблиги кўрсатилади.

Қизғин муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларига кўра, эндиликда судларда ишни кўриб чиқиш босқичлари соддалаштирилади, тушунарли тизим яратилади. Бу айни пайтда фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги ошишига ҳам асос бўлади.

Лекин, барибир, судлар фаолияти, яъни фуқароларнинг устувор ҳуқуқлари билан боғлиқ ўзгаришларни ҳар томонлама пухта ўйлаб, етти ўлчаб, кейин қарор қабул қилишимиз керак. Шунинг учун партиямиз фракцияси қонун лойиҳаларини мутахассислар билан бирга чуқур таҳлилдан ўтказмоқда.

**Мухторжон ҲОЖИМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экологик партия фракцияси аъзоси:**

— Бугунги кунда амалда бўлган назорат инстанцияси тизими халқаро стандартлар талабларига мос келмас эди. Бу, ўз навбатида, суд ҳокимиятининг обрўсизланиши ва фуқароларда судларга нисбатан салбий муносабатни ва одил судловга нисбатан ишончсизликнинг шаклланишига замин яратади.

Шу сабабли, назорат инстанцияси институтини бекор қилиш ва кассация инстанциясининг ваколатларини Олий судда фаолият кўрсатган ҳолда ўтказиш йўли билан ислоҳ қилиш ҳамда апелляция инстанцияси институтини бу ваколатларни вилоят судларига ва тенглаштирилган судларга ўтказган ҳолда тубдан ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқ.

Қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини берадиган тарзда суд қарорларини қайта кўриш тартибини бирлаштиришга, жамиятнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

Реклама ўрнида







# МАТОНАТГА МИСОЛЛАР ФАҚАТ АФСОНАЛАРДА ЭМАС

**Улар сизу бизнинг ёнгинамизда, биз билан асрдош инсонлар сиймосида ҳам намоён.**

*Баъзан ҳаёт зарбалари, ташвишлари олдида ўзимизни ожиз ҳис қиламиз, тушкунлик ҳисси бизни ўз "бағрига олади". Натижада ҳаётдан нолиймиз, дунёни адолатсизликда айблай бошлаймиз. Бироқ инсон матонати, сабр-бардоши учун ҳам инсон аталади, у ҳар қандай оғир дамда ўзлигини йўқотмаган билан ҳам азиз ва шариф.*

## Орамиздаги одамлар

Ана шундай инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган кишилар фақат афсоналарда, қадим мозий қатларида ёхуд эртакларда эмас, сизу бизнинг ёнгинамизда, замондошларимиз орасида ҳам учрайди.

Пойтахтимиздаги Универсал спорт саройида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия ассоциацияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ташкил қилинган "Имконсизликда имкон топганлар" деб номланган байрам тадбирида ана шундай матонат соҳиблари яна бир бор эътироф этилди.

Бу қаҳрамонларнинг айримлари кенг йўлларда югуриш, яқин инсонларини қўлларидан тутиб, бағрига босиш имкониятидан маҳрум. Аммо улар эришаётган натижалар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Улар гарчи имконияти чекланган бўлса-да, нуфузли спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда...

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўзларига мос ва қулай касбларни эгаллашлари, қисқача айтганда, ҳаётда муносиб ўрнини топишлари учун кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.




Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги эзгу ишларда дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши инсонларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга муносабатини ўзгартириш, жамиятда уларнинг тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этяпти.

Кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш ўзбекистонлик имконияти чекланган спортчиларнинг юксак натижаларида ҳам акс этмоқда. Хусусан, 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида ҳамюртларимиз 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза — жами 31 медалга сазовор бўлди. Улар кўрсатган натижалар, рекордлар, қўлга киритган медаллар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф қилинди.

Яна бир эътиборга молик воқеа 2018 йили Индонезияда ўтказилган ПараОсиё ўйинларида қайд этилди. Ушбу мусобақада терма жамоамиз 53 нафар спортчи билан қатнашиб, рекорд даражада — 75 та (33 олтин, 24 кумуш ва 18 бронза) медални қўлга киритиб, Ватанимиз обрў-эътиборининг халқаро майдонларда янада юксалишига муносиб ҳисса қўшди.

Спортчиларимиз Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XVI Паралимпия ўйинларида жами 8 та спорт турида қатнашишни мақсад қилган. Булар — пара енгил атлетика, пара сузиш, пара дзюдо, пара ўқ отиш, пара таэквондо, пара пуэрлифтинг, пара каноэ ва пара академик эшкак эшиш. Ҳозирги кунгача ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш учун 16 нафар спортчимиз лицензияни қўлга киритган. Олдинда турган лицензион мусобақалар ва якуний рейтинг жадвалларига кўра, юртдошларимизда яна камида 20 га яқин йўлланмага эга чиқиш имконияти мавжуд.

Айни пайтда ўзбекистонлик паралимпиячиларнинг ана шу мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш йўлида Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Ишонамизки, юртимиз паралимпиячилари спортнинг барча турида улкан ютуқларни қўлга киритиб, халқимизни хурсанд қилаверади.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Алихон ЎТАРБЕКОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

## Очиқ танлов савдоси ўтказилади!

**Тошкент шаҳрида озиқ-овқат таъминотини янада яхшилаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш мақсадида улгуржи харид қилиб, арзонлаштирилган нархларда қайта савдосини ташкил этиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Муниципал активларни бошқариш маркази» ДУК бирламчи озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (мол ва қўй гўшти, картошка, пиёз, гуруч, ун, шакар, ўсимлик ёғи ҳамда бошқа турдаги) етказиб берувчи таъминотчи корхоналар билан очиқ танлов савдосини ўтказади.**

Танлов савдосида ғолиб бўлган корхона ҳамда ташкилотларга Тошкент шаҳар озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари асосида (ҳисобидан) товар нархининг 20 фоиз миқдоригача субсидия шаклида тўловлар амалга оширилади. Мазкур очиқ танлов савдосида қатнашиш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, чорвачилик ва деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда маҳсулот етказиб берувчи корхона ва ташкилотларни таклиф қиламиз.

**Савдода иштирок этиш истагини билдирган танлов қатнашчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:**

**1.** Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг мавжудлиги.

**2.** Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги.

**3.** Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

**4.** Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

**5.** Инсофсиз ижрочиларининг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танловда қатнашувчилар жорий йил 12 декабрь куни соат 18.00 га қадар корхона номи, маҳсулот турлари ва ҳажми ҳамда нархларини кўрсатилган тартибда 2 та конвертга алоҳида-алоҳида солиб, муҳр ва имзоланган ҳолда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов шоҳкўчаси, 55-уй, 9-қават, 904-хона. Масъул — Ж. Х. Бойсинов. Телефонлар: 97-712-94-16, 71-239-10-98.**

**Танлов савдолари 2020 йилнинг 14 декабрь куни соат 16.00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

**онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 255/2018-01-сонли шартномага асосан, https://www.e-auksion.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2020 йилнинг 21 декабрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Лот рақами | Аукцион ўтказиладиган сана |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 31514» | 01/860 ZAA | 2006 | 0371661 | 21.12.2020 |
| 2. | «УАЗ 31514» | 01/856 ZAA | 2008 | 0371660 | 21.12.2020 |
| 3. | «УАЗ 31514» | 01/852 ZAA | 2008 | 0371659 | 21.12.2020 |
| 4. | «УАЗ 315142-012» | 01/831 ZAA | 2006 | 0371658 | 21.12.2020 |
| 5. | «УАЗ 31514» | 01/827 ZAA | 2008 | 0371657 | 21.12.2020 |
| 6. | «УАЗ 31514» | 01/735 ZAA | 2006 | 0371656 | 21.12.2020 |
| 7. | «УАЗ 31514-012» | 01/429 ZAA | 2009 | 0371655 | 21.12.2020 |
| 8. | «УАЗ 31514» | 01/119 TDA | 2009 | 0371654 | 21.12.2020 |

**Талабгорлар диққатига!**
**Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 978 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6